




## Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан «БРИКС плюс» форматидаги Глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотда иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни** лойиҳаси кўриб чиқилди.



Фарғона вилояти **Риштон тумани** ва Туркиянинг чинчилик, кулчилик анъаналари билан машҳур Изник тумани ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилди.



Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликчиси ва томорқа ер эгалари кенгашида **Ҳиндистон «Stevia» доривор ўсимликлари ассоциацияси директори, Республика савдо-саноат палатаси ва «Oloхуоғохи STEVIA eksperimental» фермер хўжалиги масъуллари билан расмий учрашув** ташкил этилди. Унда мамлакатимизда стевия доривор ўсимликларини етиштириш хусусида сўз борди.



Ўзбекистон ва Туркия Соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандумга кўра, дастлабки **25 нафар ўзбек шифокори Туркияга малака ошириш учун юборилди.**



**Маймун чечаги пандемия деб эълон қилинди.**



Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази масъуллари, **Erasmus+ Миллий офиси ва Олий таълим экспертлар миллий гуруҳи** вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

uz.uz хабарлари асосида тайёрланди

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил  
25 июнь  
шанба  
№ 80  
(4676)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

## Ўзбекистоннинг ташқи қарзи 9 йилдан буён илк бор камайди

Факт

Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи 2022 йил бошига нисбатан

**1,8% га**

ёки

**721,5 миллион долларга**

камайиб, 1 апрель ҳолатига **38,8 миллиард долларни** ташкил қилмоқда. Бу ҳақда Марказий банк ҳисоботида қайд этилди.

Изоҳлавишича, жорий йилнинг I чорагида жаҳондаги геосийосий вазият таъсирида давлат ва хусусий сектор томонидан янги қарз жалб қилиш секинлашгани ва асосий қарз бўйича тўловларнинг амалга оширилиши ташқи қарз қолдиғида акс этган. Жумладан, дастлабки уч ой давомида давлат ташқи қарзининг соф камайиши, курслар ва нархлар ўзгаришини инобатга олганда **1,5 фоизга ёки 345,4 миллион долларга қисқариб, 23,4 миллиард долларга** тенг бўлди.

2022 йилнинг 1 апрель ҳолатига хусусий ташқи қарз **15,5 миллиард доллар** бўлиб, йил бошидагига нисбатан **2 фоизга ёки 376 миллион долларга қисқарди**. Бу камайиш асосан банклар, энергетика сектори (нефть ва газ) ҳамда тоғ-кон ва металлургия саноати томонидан асосий қарзлар бўйича мажбуриятлар сўндирилиши ҳамда молия бозоридаги қimmatли қоғозлар нархларининг пасайиши ҳисобига рўй берган.

Этиборли жиҳати, бу ташқи қарзнинг 2013 йилдан бери илк бор қисқаришидир.



## БИЛИМ ОЛИШ АЗОБИ – ВАҚТИНЧА, БИЛИМСИЗЛИК АЗОБИ – УМРБОД

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси – Федерация раиси ўринбосари, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ректори Сайфулла АҲМЕДОВ билан сўхбат

3



**МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ**  
Вакант лавозимларга танлов асосида профессор ва ўқитувчиларни ишга таклиф қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 августдаги ПҚ-5227-сонли қарори асосида ташкил этилган Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси (нодавлат таълим муассасаси ҳисобланиб, унда таълим ўзбек ва рус тилларида, тўлов-контракт асосида олиб борилади) қуйидаги фанлар бўйича ўқитувчиларни ишга таклиф этади:

- «Янги Ўзбекистон» стратегияси;
- Олий математика;
- Амалий математика;
- Физика;
- Кимё;
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фан тарихи ва хорижий таъриби;
- Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси;
- Ишлаб чиқаришда компьютер технологиялари;
- Иқлим ўзгариши ва унга мослашиш;
- Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги тарихи;
- Ижтимоий иш тарихи ва халқаро таъриби;
- Барқарор ривожланишнинг ижтимоий жиҳатлари;
- Инсон ҳуқуқлари декларацияси;
- Воёга етмаганлар билан ишлаш;
- Ижтимоий иншинг этик принциплари ва қадриятлари;
- Менежментда ижтимоий ишлар;
- Ижтимоий муҳофазатга муҳтож аҳоли билан ишлаш;
- Ижтимоий ишда тадбиркорлик фаолияти; Инсон ресурсларини бошқариш тарихи
- ва хорижий таъриби;
- Иқтисодиёт назарияси;
- Ўзбекистон иқтисодиёти;
- Давлат ва ҳуқуқ назарияси;
- Бизнес ва тадбиркорлик;
- Менежмент ва маркетинг;
- Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари;
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;
- Статистика;
- Ижтимоий психология;
- Бухгалтерия ҳисоботи;
- Психология назарияси ва методологияси;
- Психология тарихи ва илғор хорижий таъриби;
- Ижтимоий психология;
- Психология таълим ва тарбия;
- Психология ҳуқуқи;
- Этика ва нуқт маданияти;
- Фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;
- Рақамли ва ахборот технологиялари;
- Ҳуқуқий педагогика ва психология;
- Ташқи иқтисодий муносабатлар ҳуқуқи;
- Мутахассисликка кириш (йўналишлар бўйича).

### Абитуриентлар диққатига!

## МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ қуйидаги мутахассис-кадрларни тайёрлаш учун 2022-2023 ўқув йилига

талабалар қабулини эълон қилади:

1. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (Тест саволлари: математика, физика);
2. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (Тест саволлари: математика, физика);
3. Инсон ресурсларини бошқариш (Тест саволлари: математика, чет тили);
4. Ижтимоий иш (турли соҳаларда) (Тест саволлари: математика, чет тили);
5. Психология (фаолият турлари бўйича) (Тест саволлари: биология, она тили ва адабиёт);
6. Менежмент (Тест саволлари: математика, чет тили);
7. Юриспруденция (Тест саволлари: тарих, чет тили).

Таълим тури ва даври: кундузги, 4 йил.  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 августдаги ПҚ-5227-сонли қарори асосида ташкил этилган Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси нодавлат таълим муассасаси ҳисоб-

ланиб, унда таълим ўзбек ва рус тилларида, тўлов-контракт асосида олиб борилади.

Муассасасида электрон кутубхона, физика ва кимё фанлари бўйича лабораториялар, спорт комплекси, ётоқхона, ошхонага эга. Таълим янги технологиялар асосида жиҳозланган аудиторияларда олиб борилади. Ўқув жараёнига автоматлаштирилган «платформа» мажмуаси жорий этилган.

Талабалар ўқув биносида Wi-Fi (бепоул интернет)дан фойдаланиши мумкин. Асосий машғулотлардан сўнгра фанлар бўйича мустақил шуғулланишлари учун компьютер синфлари, лабораториялар ва махсус хоналар мавжуд.

Қабул учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Паспорт фото нусхаси;
2. Ўрта махсус, касб-хўна таълими бўйича диплом ёки шаҳодатнома (11-синфни битирганлиги тўғрисидаги) фото нусхаси;
3. Абитуриент сурати (3x4, 300 dpi шаклда).

Ҳужжатлар 2022 йил 20 июндан 20 августгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Алишеробод» МФЙ, Миллий боғ кўчаси, 7-уй.

Шунингдек, абитуриентлар – <https://atso.mdg.uz> электрон манзили бўйича рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 71-265-01-64, 71-265-01-54.

Қабул комиссиясининг иш вақти: Душанбадан жумагача соат 9:00 дан 18:00 гача.

Азиз ёшлар!

Янги Ўзбекистон тараққиётига ўз билим ва малакангиз билан муносиб ҳисса қўшмоқчимисиз? У ҳолда биз сиз учун бу шароитни яратиб берамиз.

МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ

Танлов иштирокчилари Академия ректори номига ариза топширадиган (қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда: шахсий ҳодимларни қайд этиш варақаси ва олий таълим дипломларининг нусхалари, мутахассислик йўналиши бўйича объек-

тивка маълумоти).  
Ҳужжатлар 2022 йил 25 июндан 25 июлгача қабул қилинади.  
Профессор-ўқитувчиларни танлов комиссиясининг сўхбатдан кейин танлов ҳулосасига кўра амалга оширилади.

Сизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Алишеробод» МФЙ, Миллий боғ кўчаси, 7-уй. Телефон: (71) 265-01-64  
Веб-сайт: <https://atso.mdg.uz>

Янгилаётган Конституциямизда:  
– Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларига кўра, болалар меҳнатига йўл қўймаслик бўйича нормани акс эттириш;  
– бола манфаатлари, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун барча шароитларни яратишни устувор йўналишлардан бири этиб белгилаш;  
– давлат иқтидорли ёшларни, уларнинг моддий аҳолидан қатъи назар, доимо қўллаб-қувватлашини мустақил қоида сифатида қайд этиш;  
– «Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи таъминлаши асосида маънавий ва ахлоқий етук инсонлар этиб тарбиялаш учун зарур шароитларни яратадиган» деган қоида эътиборга олинган;  
– ёш авлод тақдири учун масъулиятни янада ошириш учун «Ота-оналар ўз фарзандлари вояга етунига қадар уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлиғи, тўлақонли ва баркамол ривожланиши тўғрисида ҳамжўрлик қилиш ҳуқуқига эга ва бунга мажбурдир» деган қоида киритиш лозим.  
Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда илгари сурган ушбу тақлифлар таълим муассасалари педагогик жамоалари, болалар ҳуқуқлари билан шуғулланган давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда ота-оналар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Конституцияни ўзгариш учун тавсия этган тақлифларини экспертилар ҳам юқори баҳолаётгани бежиз эмас. Бу ташаббуслар Президентимизнинг Асосий қонунда «Ўзбекистон – ижтимоий давлат» деган ғояни мустақамлашга қаратилган тақлифи билан ҳаммадан юқори.

Мазлумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган бўлса, ўша йилнинг 9 декабрда мамлакатимиз парламенти БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилган. БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси мазкур Конвенциянинг асосий принциплари барча давлатларнинг Конституцияларига имплементация этилиши, яъни уйғунлаштирилиши тарафдордир.

Чунки давлат конституциясида бола ҳуқуқлари бўйича нормалар акс эттирилиши, биринчи навбатида, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг туб моҳияти ва аҳамиятини англашга ёрдам беради. Қолаверса, бу муҳим омил катталар билан бир қаторда болалар ҳам инсон ҳуқуқлари эгалари эканини конституциявий асосда қафолатлашга хизмат қилади.

Шу ўринда жаҳон конституцияларида бола ҳуқуқлари оид қоидалар қандай акс этган, деган савол туғилиши табиий. Яқинда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида ўтказилган халқаро давра суҳбати айнан шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда, жумладан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг болалар манфаатларининг устуворлиги, боланинг ҳаётига, исмига, фуқароликка, ота-онасини билиш ҳуқуқига, ота-онанинг болаларга нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид тамойиллар қайси давлатларнинг конституцияларида қандай шакл ва мазмунда ўз аксини топгани атрафлича муҳокама этилди.

Ирландия ҳукуматида болаларни ҳимоя қилиш бўйича махсус маърузачиси Конор О'Махони бола ҳуқуқлари оид қоидалар мустақамлаб қўйилган 47 та давлат конституцияларини қиёсий таҳлил қилиб берди. Хорижий экспертнинг сўзларига қараганда, ҳар қандай конституциявий ўзгаришлар жараёнида билдирилган тақлифларнинг ёшлар ташкилотлари ва бевосита навқирон авлод вакиллари иштирокида муҳокама қилиниши жуда зарур.

Шу маънода, Ўзбекистон Президентини кенг жамоатчилик тақлифлари асосида Конституциявий комиссия томонидан тайёрланган Конституцияга ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасида қўриб чиқиш, сўнгра умумхалқ муҳокамаси натижа-сида маромига етказилган лойиҳани референдум ўтказиш йўли билан қабул қилиш ташаббусини илгари сургани тахсинга лойиқ.

Бу борадаги халқаро амалиётга тўхталганда, Венеция комиссиясининг 2013 йил 8-9 март кунлари бўлиб ўтган 95-йилги мажлисида қабул қилинган қарорга кўра, «Конституцияларда болалар ҳуқуқларининг акс этиши» мавзусида тадқиқот ўтказилганига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Нега деганда, худди шу тадқиқот негизида Венеция комиссиясининг 2014 йил 21-22 март кунлари ўтказилган 98-йилги мажлиси томонидан



# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТ ВА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ:

## Миллий ва хорижий тажриба, халқаро амалиёт

«Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида: халқаро стандартлар ва миллий конституциялар» номи маъруза тайёрланган.

Натижада Европа Кенгашига аъзо давлатлар Конституцияларининг болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишидаги турлича тажрибаларни умумлаштириш имконияти туғилди. Бу, ўз навбатида, миллий конституцияларда бола ҳуқуқларига оид қоидаларни қандай акс эттириш ва уларнинг самарадорлик билан амалга оширилишини қай тарзда таъминлаш мумкинлиги масаласига ойдинлик киритишга йўл очди.

Хусусан, Норвегия Конституциясининг 104-моддаси бола ҳуқуқларига бағишланган бўлиб, унда болаларнинг кўплаб ҳуқуқлари қафолатланган, боланинг қадр-қиммати асосий ҳуқуқий принцип экани таъкидланган. Ушбу Конституциянинг 109-моддасида болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини тўғрисида сўз боради. Ҳужжатда бола манфаатларини энг мақбул тарзда таъминлаш принципи аниқ ифодасини топган.

Швеция Конституциясида бола ҳуқуқларига оид нормалар инсон ҳуқуқларига кириш қисмида мустақамланган. Финляндия Конституциясида барча инсонларнинг қонун олдида тенглиги қайд этилган ҳолда, болаларнинг ҳуқуқлари алоҳида таъкидланган. Яъни, болаларга катта шахсларга муомала қилгандек муомалада бўлиш ва уларга ўзларининг ривожланиш даражасига муносиб ма-салалар ижобий ечим топишида бевосита ишти-рок этишларига ижозат бериш зарур.

Польша Конституциясининг 72-моддаси айна мазмундаги учта банддан иборат:

1. Польша Республикаси бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди;
2. ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола давлат органлари томонидан кўрсатилган ҳамжўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эга;
3. давлат ҳокимияти органлари ва болалар учун маъсўл шахслар бола ҳуқуқларини ўрнатиш жараёнида, иложи борича, боланинг қарашларига устувор аҳамият беради.

Хорватия Конституциясининг 62-63-моддаларида давлат оналик, болалик ва ёшларни ҳимоя қилиши, ҳар бир инсон болаларни ва ночор шахсларни ҳимоя қилишга бурчли экани қайд этилган. Шунингдек, 64-моддада болаларнинг мажбурий меҳнатга ва зарарли ишларга жалб этилмаслиги билан боғлиқ ҳуқуқлари қафолатланган.

Молдова ва Руминия конституцияларида болалар ўз ҳуқуқларининг амалга оширилишида алоҳида ҳуқуқларга эгаллигига доир умумий қоидалар баён этилган. Латвия ва Озарбайжон конституцияларида ҳам бола ҳуқуқларини кенг қамрайдиган қоидалар мавжуд.

Осиё давлатлари ҳақида сўз борганда, жум-

ладан, Ҳиндистон Конституциясининг бир қатор моддаларида бола ҳуқуқлари қатъий қафолатланганини таъкидлаш лозим. Хусусан:

- 21-А моддада – 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган барча болаларнинг бепул ва мажбурий таълим олиш ҳуқуқига;
- 24-моддада – 14 ёшга тўлмаган болаларни ҳар қандай турдаги хавфли меҳнатдан ҳимоя қилиш ҳуқуқига;
- 39-е) моддада – иқтисодий заруратдан келиб чиқиб, болаларнинг ҳуқуқларини суистеъмол қилишдан, уларни ёши ва куч-қуввати тўғри келмайдиган ишларга мажбурлашдан ҳимоя қилиш ҳуқуқига;
- 45-моддада – олти ёшга тўлмаган барча кичик болаларни парвартириш ва уларга таълим бериш ҳуқуқига мустақамлаб қўйилган.

Бола ҳуқуқлари Непал Конституциясининг 39-моддасида қафолатланган. Ушбу модда «Бола ҳуқуқлари» деб номланган ва 10 та банддан ташкил топган:

1. Ҳар бир бола исми олиш ва туғилганидан оқ шох сифатида рўйхатдан ўтиш ҳуқуқига эга.
2. Ҳар бир бола таълим олиши, соғлиғини сақлаши, таъминоти, муносиб парвариши, спорт билан шуғулланиши, ҳордиқ чиқариши ҳамда ўз шахсини ҳар томонлама ривожлантириши учун оила ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаши ҳуқуқига эга.
3. Ҳар бир бола болани ривожлантириш ва бола иштирокини таъминлаш ҳуқуқига эга.
4. Ҳеч қайси бола қандайдир фабрика, кон ёки шунга ўхшаш хавфли жойларда ишлашга жалб этилиши мумкин эмас.
5. Ҳеч қайси бола эрта таниқоғга кириши, ғайриқонуний кўчирилиши, ўғирлаб кетилиши ёки гаровга олинishi мумкин эмас.
6. Ҳеч қайси бола армия, полиция ёки бошқа ҳар қандай куролли гуруҳга ёлланиши ёки сафарбар этилиши ёхуд маданий ё диний анъаналар баҳонасида зўравонликка, яккалаб қўйишга ёки жисмоний, руҳий, шахвоний ё бошқа турдаги эксплуатацияга ёхуд ундан ҳар қандай воситалар, ё ҳар қандай усуллар билан номуносиб фойдаланиш ҳолатларига дучор этилиши мумкин эмас.
7. Ҳеч қайси бола уйда, мактабда ва бошқа ҳар қандай жойда ва вазиятда ҳам жисмоний, руҳий ва бошқа турдаги қийноқларга солиниши мумкин эмас.
8. Ҳар бир бола балоғатга етмаган ёшдагиларга мўлжалланган одил судлов ҳуқуқига эга.
9. Ночор, етим, ногирон, низодан жабрланган, кўчирилган ёки муҳтож бола давлат томонидан алоҳида ҳимояга олиш ва имтиёзлар бериш ҳуқуқига эга.

10. Шу моддадаги 4, 5, 6 ва 7-қоидаларга зид ҳар қандай хатти-ҳаракат учун қонун бўйича жазо берилади ҳамда бундай қилмишдан жабр кўрган бола қонун асосида айбдордан товон ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Хорижий давлатлар конституцияларининг ана шу қиёсий таҳлили аён бир ҳақиқатни яққол тасдиқлайди. Бу ўринда Ўзбекистон Президенти томонидан давлатнинг фуқароларни яшаш учун зарур уй-жой билан таъминлаш, оиланинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустақамлаш, боланинг манфаатлари, жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун барча шароитларни яратиш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, инсон соғлиғи ва атроф муҳитини муҳофаза қилишга таалуқли нор-малар Конституцияда ўз аксини топиш тақлиф этилгани жуда муҳимлиги ҳақида сўз бормоқда.

Бу ташаббуслар оила, болалар, ёшлар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, мамлакат ичкараси ёки ташқарисида яшаётган барча фуқароларимиз ҳуқуқлари ва манфаатларини конституциявий қафолатлашга қаратилгани билан диққатга сазовордир.

Академик Акмал Саидов таъбири билан айтганда, аҳолининг 40 фоизи болалардан иборат бўлган Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаш ва ҳимоя қилиш масаласи ўта долзарбдир. Мамлакатда айна соҳада болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган қирқдан зиёд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ҳам шундан далолат беради.

Ирландиялик эксперт Конор О'Махони ҳам мамлакатимиздаги конституциявий ислохотларни қўллаб-қувватлади.

Ўз навбатида, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде қайд этганидек, «Конституциявий ислохотлар жараёнида бола ҳуқуқлари тўғрисидаги нормаларни кучайтириш, хусусан, боланинг энг мақбул манфаатларини ҳисобга олиш, камситмаслик, зўравонлик ва шафқатсиз муомалани тақиқлаш, болаларни эксплуатация қилишга йўл қўймаслик принциплари, қафолатланган хизмат кўрсатиш ва одил судлов имкониятларидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш масалалари ҳар доим ва ҳамма жойда, айниқса, аҳолисининг учдан бир қисмининг болалар ташкил этувчи Ўзбекистонда ниҳоятда аҳамиятлидир».

Ғулом МИРЗО,  
Ойдин ИБРОҲИМОВА,  
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон  
Республикаси Миллий маркази матбуот  
хизмати ходимлари



Хоразм вилояти

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси Шокир Аллаберганов бошчилигида маъсўл ходимлар Гурлан тумани кенгаши ва тумандаги бошланғич ташкилотларда олиб борилаётган ишлар билан танишдилар. Асосий эътибор аъзолардан келиб тушаётган мурожаатлар ва уларнинг ечимига қаратилди.

### Очиқ мулоқот



## АЪЗОЛАР КАСАБА УЮШМАЛАРИДАН РОЗИМИ?

– Гурларда тармоқ тасарруфидаги 10 та бошланғич ташкилот бор. Улар 468 нафар аъзони ўз атрафида бириктирган, – дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши Гурлан тумани кенгаши раиси Отабек Ҳасанов. – Ҳар бир аъзони ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаямиз.

Вилоят кенгаши мутасаддилари 26 нафар касба уюшма аъзоси фаолият кўрсатаётган Гурлан тумани ахборот кутубхона марказида ходимларга яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Меҳнат муҳофазасини кучайтириш, ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимида эса 55 нафар касба аъзоси фаолият кўрсатади. Бошланғич касба уюшма қўмитаси белгиланган режа асосида иш бевуричи билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Юқори ташкилот томонидан бошланғич қўмитага амалий ёрдам кўрсатилди. Айрим тушунмовчиликлар тегишли тартибда бартараф қилинди.

Вилоят статистика бошқармасида ўтказилган сайёр қабул ҳам қўллаб-қувватлаш жавоб бергани билан алоҳида аҳамият касб этди. Касба уюшма аъзолари истак ва талабларини баён қилиб, бошланғич касба уюшма қўмитаси раиси масъулиятини ошириш бўйича ўз тақлифларини бердилар.

Шунингдек, ҳарбий қисмда ўтказилган «Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун яратилган имтиёзлар» мавзусидаги давра суҳбати ҳар томонлама фойдали бўлди. Тадбирга вилоят адлия ҳамда мудофаа бошқармаларидан ҳам маъсўллар тақлиф қилинган тўғри ҳарбийлар ўзларини қизқитирган кўплаб саволларга тўлақонли жавоб олдилар.

– Бу каби тадбирлардан кўзланган мақсадимиз аъзоларнинг хоҳиш ва истаклари асосида галдаги вазифаларимизни белгилаш, эътибордан четда қолиб кетаётган жиҳатларга иш бевуричларнинг эътиборини жалб қилиш, аъзоларни қўллаб-қувватлашни кучайтиришдир, – дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари Руслан Бобожонов.

Мухаббат ТЎРАБОВЕВА,  
«ISHONCH»



Навоий вилояти

### Учрашув

Зарафшон шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар марказида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши ташаббуси билан раҳбар ва ёшлар учрашуви бўлиб ўтди.

## Фаол ёшлар ҳузурда

Унда вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Навоий вилояти кенгаши депутати Назира Тоғаева, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Навоий вилояти бўйича маъсўл ташкилотчиси Анара Бобомуродова, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши раҳбари Линура Остонаева ҳамда корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган юзлаб зарафшонлик фаол ёшлар иштирок этдилар.

Учрашув асоси ёшлар ўз интеллектуал соҳияларининг намоёиши қилиш билан бирга, мамлакатимизда олиб борилаёт-

ган кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат, касба уюшмалари тизимидаги ютуқ ечимини кутаётган масалаларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилдилар. Бу эса, табиийки, учрашувнинг жонли ва қизиқарли ўтишини таъминлади, дея бемалол айтишимиз мумкин.

Тадбирда ёшларга касба уюшмаларига аъзо бўлишнинг фойдали томонлари хусусида ҳам тушунчалар берилди.

Дилфарўз УРОВОВА,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Самарқанд вилояти



Оҳалик тоғлари этагида жойлашган «Алпомиш» оромгоҳи – 3,5 гектар майдонни қамраб олган масканда, минг турдан зиёд мевали ва манзарали дарахлар барқ уриб турибди. Ҳудуддаги энг баланд ва қадимий чинор теграси ҳамisha болажонлар билан гавжум.

## ЗАВҚ-ШАВҚҚА ТҮЛА ТАБТИЛ



– Таътилнинг ҳар бир дақиқаси завқли ўтатилади, – дейди самарқандлик Шоҳруҳ. – Масканимиз ҳудудига тангадек офтоб тушмайди. 20 га яқин турли тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилган. Бу эса хоҳиш-истакка кўра,

танлаш имкониятини ошираётди. Мен ўзим 5 та тўғраққа ёзилганман. Ўттиз тўрт нафарга яқин тажрибали педагог болалар ҳаётига мазмун бахш этапти. Дам олувчилар ўртасида ўтказилаётган «Алпомиш ўғлонлари», «Кув-

ноқ стартлар», «Биз гиёҳвандликка қаршимиз», «Китобсеварлар», «Заковат» тадбирлари интилиш катта. Режали баҳслар тадбирлар ташкил этишга Самарқанд шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар мактабига маъсўл ақиндан ёрдам бериб келмоқда. – 17 та шахар ташқарисидаги, 56 та кундузги оромгоҳда 22 минг нафарга яқин ўқувчиларнинг ёғи таътилининг ўтказиш режалаштирилган, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгашининг «Маданий-маърифий ва спорт ишлари» бўлими мудири Ферузбек Раззоқов. – Айни чоғда, аксарият оромгоҳларда биринчи босқич поёнлаб қолди. Таътилнинг иккинчи босқичида дам олиш истагида бўлаётганлар ҳам оз эмас. Бу жараёнга ҳам пухта ҳозирлик кўриляпти.

Нурилла ШАМСИЕВ,  
«ISHONCH»

### «Ishonch»га жавоб берадилар



## МУАММО НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 14 майдаги сонида «Хусусий клиникалар фаолияти қандай назорат қилинмоқда?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Мазкур мақолага Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўз муносабатини билдирди. Унда мазкур мақола кўриб чиқиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги махсус комиссиясига юборилгани қайд этилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясининг 25.05.2022 йилдаги 08-1084-сонли топшириқ хатига асосан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги махсус комиссияси томонидан аҳолидан келиб тушаётган мурожаатлар чуқур таҳлил қилинган ҳолда, энг кўп эътирозларга сабаб бўлаётган хусусий тиббиёт муассасалари фаолияти белгиланган тартибда ўрганилмоқда.

Шу муносабат билан, «Ishonch» газетасининг 2022 йил 14 май 57-сонида «Хусусий клиникалар фаолияти қандай назорат қилинмоқда?» сарлавҳали мақола махсус комиссия томонидан кўриб чиқиш учун юборилмоқда.

Натижаси ҳақида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг «Ishonch» газетаси таҳририятига маълум қилишингиз сўралади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи У.Мадраҳимов

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Мазкур мақолада долзарб мавзу кўтарилган бўлиб, унда жамиятимизда энг оғриқли масалалардан бири – аҳолининг саломатлигини таъминлашдаги эътирозларидан бири ақс этган эди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу масалага қандай муносабат билдирар экан...

Сўнги йилларда мамлакатимизда барча соҳалар қатори олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам бир неча поғона юқорига кўтарилди. Бунинг юртимизда турли касб ва йўналишлар бўйича ташкил этилаётган янги олий ўқув юртли мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалага шу жиҳатдан ёндашганда, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг очилиши ҳам том маънода тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси – Федерация раиси ўринбосари, академия ректори Сайфулла АҲМЕДОВ билан ушбу илм даргоҳи, унинг бугуни ва истиқболдаги режалари ҳақида суҳбатлашди.

– Сайфулла Норматович, аввало, янги академияга раҳбар этиб тайинланганингиз билан табриклаймиз. Энди айтганимиз, бу олий таълим муассасаси ташкил этилишига нечоғли зарурат ва талаб бор эди?

– Табрик учун раҳмат! Ўзингизга маълумки, ҳозир юртимизда барча соҳалар бўйича жиддий ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги бу саъй-ҳаракатлар дунё ҳамжамияти томонидан ҳам тан олинмоқда. «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» тамойили асосида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни санаб, саногига етиш қийин. Айнан шундай интилишлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Натижада ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ҳуқуқий ваколат ва имкониятлар кенгайиб, меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди.

2020 йилда эса 11 ноябрь – Ўзбекистон Касаба уюшмалари куни деб белгиланди. Бу соҳа ходимларини қувонтириш билан бир қаторда, уларнинг зиммасига улкан вазифалар юклатди. Шунга кўра, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясини ташкил этишга эҳтиёж туғилди.

Аслида бу ҳақида ғоя Президентимиз икки йил муқаддам Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг саккизинчи қурултойи иштирокчиларига йўллаган табрикда илгартирилган. Унда республикамизда меҳнат муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш, фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги конституциявий



## БИЛИМ ОЛИШ АЗОБИ – ВАҚТИНЧА, БИЛИМСИЗЛИК АЗОБИ – УМРБОД

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси – Федерация раиси ўринбосари, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ректори Сайфулла АҲМЕДОВ билан суҳбат

ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, бандлик муаммосини ҳал этиш каби қатор масалалар тўғрисида сўз юритилган. Хусусан, мазкур тизим учун замонавий билим ва малакага эга, ижтимоий муносабатлар назарияси ва амалиётини, бу борадаги халқаро тажрибани пухта биладиган етук кадрлар тайёрлайдиган Касаба уюшмалари академиясини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш тақдирини билдирилган. Бултур 23 августда эса давлатимиз раҳбари бу хусусдаги алоҳида қарорга имзо чеқди.

Мана, бугун ўша эзгу ниятлар ижобат топганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Асосий мақсад-вазифалари халқаро ва миллий меҳнат стандартлари, меҳнат ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари, меҳнат тиббиёти, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси йўналишлари бўйича олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашдан ҳамда илмий-тадқиқотлар олиб боришдан иборат бўлган янги академия айна кезларда ўз фаолиятини бошлади. Ҳозир унга 2022-2023 ўқув йили учун талабалар қабул қилинмоқда.

– Билимли ва малакали кадрлар тайёрлаш кўп жиҳатдан педагогик жамоанинг илмий салоҳияти қай даражада экан...

– 2022-2023 ўқув йилида академияда қанча талаба ва қандай йўналишлар бўйича тахсил олади?

– Бу йил жами 190 нафар талаба ўқишга қиради. Улар меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги, инсон ресурслари бундан ташқари, ўқув биноси ва кутубхонада Wi-Fi мавжуд бўлиб, талабалар электрон кутубхонадан масофадан туриб фойдаланишлари, асосий машғулотлардан сўнг махсус хоналар ва лабораторияларда алоҳида фанлар бўйича мустақил шугулланишлари ҳам мумкин.

– Маълумки, таълимда халқаро ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Бу борада академияда қандай ишлар режалаштирилмоқда?

– 2022-2023 ўқув йилида академияда қанча талаба ва қандай йўналишлар бўйича тахсил олади?

– Бу йил жами 190 нафар талаба ўқишга қиради. Улар меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги, инсон ресурслари бундан ташқари, ўқув биноси ва кутубхонада Wi-Fi мавжуд бўлиб, талабалар электрон кутубхонадан масофадан туриб фойдаланишлари, асосий машғулотлардан сўнг махсус хоналар ва лабораторияларда алоҳида фанлар бўйича мустақил шугулланишлари ҳам мумкин.

– Маълумки, таълимда халқаро ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Бу борада академияда қандай ишлар режалаштирилмоқда?

– Педагогик жамоамизнинг энг муҳим вазифаларидан бири меҳнат соҳаси бўйича халқаро даражадаги кадрларни тайёрлашдан иборат. Бу эзгу мақсадимиз рўёбга чиқишида эса хорижий ҳамкасблар билан алоқа ўрнатиб, тажриба алмашиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ҳозир чет эллардаги бир неча нуфузли олий таълим муассасаси билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан музокаралар олиб бораёلمиз. Жумладан, яқин орада Беларусдаги МИТСО университети билан айна йўналишдаги меморандум имзоланади.

– Янги академиянинг биринчи ректори бўлиш зиммангизга қандай масъулият юклатди?

– Ўзига билдирилган ишонч, аввало, ҳар қандай кишига ғурур ва ифтихор бағишлайди. Айна чоғда, унинг гарда-



ндаги масъулиятни янада кучайтиради. Мен бунинг ҳар томонлама теран англаган ҳолда фаолият юриятиман.

Табийки, ҳали баҳаришимиз шарт бўлган ишлар кўп. Уларнинг беками кўст адо этилиши академиянинг салоҳияти ва аҳил жамоаси саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Биз шуларни назарда тутган ҳолда, бамаслаҳат ва баҳамжиҳатликда иш юритамиз. Келгусида Ўзбекистон меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси шу соҳадаги муаммоларни ҳал этишда илмий-амалий лоқомотив вазифасини бажарадиган таянч олий таълим муассасасига айланиши учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси Васийлик кенгаши раиси Қудратилла Рафиқов ва бошқа масъул шахсларнинг бизга билдирган юсак ишончларини оқлашга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, академиямиз самарали фаолият юритишида доимий ҳамкоримиз – «Ishonch» газетаси таҳририяти жамоасининг ҳам ўз ўрни ва сўзи бўлади, деган умиддамиз.

Суҳбатдош: Алиқон АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» муҳбири

## Тошкент вилояти Орамиздаги одамлар Хунарли ҳеч қачон хор бўлмас...

Шаҳринисо она бу кеча ҳам алламаҳалгача ишлади. Тикув машинаси ярим тунгача ғириллаб, сукунатини бир оз бузиб турди.

Нижоят, у чарчади. Беҳолгина ўрнидан туриб, ётоқхонасига киргач, маза қилиб ухлаётган неварасининг устини ёнди. Кейин ўзи ҳам жойига чўзилди. Қўлига газета олиб бирпас ўқиган киши бўлди-ю, ухлаб қолди. Тонг саҳарда эса дарвоза кўнғирогининг кетма-кет жириглашидан уйғониб кетди. Юз-қўлини ювиб, сочиқча артаркан, дарвозани тезроқ очибга ошди. Чунки ташқарида уни доимий мижозлари кутишарди...

Бунақа ҳолатлар куйи чирчиқлик ёлғиз ва бева аёл Шаҳринисо Йўлдошеванинг ҳаётида кўп такрорланади. Уни нафақат Хўжаписқанд қишлоғи аҳли, балки бошқа қишлоқларда яшовчилар ҳам яхши танишади ва чевар аёл сифатида эъзозлашади. Шаҳринисо опанинг болалиги армонли кечди. Чунки у тўққиз ёшида узок йиллар жамоа хўжалигига раислик қилган падари бузруквори Қурбон ақадан жудо бўлди. Шу боис

ота меҳрига зориқиб ўсди. Вояга етар-етмас, онаси Хосият ая билан бирга далада меҳнат қила бошлади. Мактабни битиргандан кейин эса, тикувчиликка ўқиди. Кўп ўтмай қўшни туманда яшовчи йигитга турмушга чиқди. Аммо оилавий ҳаётда омади чопмади. Мурасалари келишмагани тўғрисида уч нафар фарзандли бўлганида турмуш ўртоғи билан ажрашиб, ота уйига бош эгиб қайтиб келишга мажбур бўлди. Яширининг ҳожати йўқ, одамлар Шаҳринисони анча вақтгача гап-сўз қилиб юришди. У эса тақдирдан нолимади, кўз ёшини оқизиб, бировлардан ёрдам сўрамади. Аксинча, барча таъна-дашномларга чидаб, бор аламини меҳнатдан олди. Чеварлик қилиб, пул йиғди. Шу тариқа тураржойли ҳам бўлди.

Шаҳринисо Йўлдошева кейинчалик тумандаги маиший хизмат кўрсатиш уйда чеварчилик устахонаси очиб, бир қанча

хотин-қизларни иш билан таъминлади. Шунинг баробарида мактабда ўқувчиларга ушбу соҳа бўйича дарс берди. Энг муҳими, шу касби ортдан ўғлини уйлантирди, қизларини турмушга узатди, қўша-қўша невараларнинг суюкли бувижонисига айланди. Лекин ҳануз бичиш-тиқишда, бу касб сир-асрорларини бошқаларга ўргатишда давом этмоқда. Ўз навбатида, шогирдлари ҳам турли жойларда самарали меҳнат қилишмоқда.

Халқимиз «Хунарли хор бўлмас» деган нақлни беҳиз тўқимаган. Мана, Шаҳринисо опадан қиёс. У ўз касбига садоқати ва меҳнатқашлиги тўғрисида ҳаёт машаққатларини дадил ениб ўтишга ва бахтининг кемтиқларини тўлдиришга эришди.

Хонбиби ҲИММАТ қизи, журналист



**Қорақалпоғистон Республикаси**

**Нукус шаҳрида тўйхонада ортиб қолган ароқлардан қўлбола алкоголь ичимликлар тайёрлаб сотган фуқаролар қўлга тушиб, қонуний жазосини олишди.** Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судида бўлиб ўтган суд мажлисида фуқаролар А.П. ҳамда Ж.Ж.га ушбу ноқонуний ишлари учун 2 йил ооздлиқни чеклаш жазоси тайинланди.

**Қилмиш –қидирмиш**

**Қўлбола «ҚАРАТАУ» қаллоблари**

Гувоҳлар кўрсатмалари, айбланувчилар иқроори ҳамда бошқа далилларга биноан фуқаролар А.П. ҳамда Ж.Ж. Нукус шаҳридаги тўйхоналарнинг биридан қолдиқ ароқларни олгани, уларга эса тўйхонадаги официантлар ёрдам бергани, тўй ўтгандан кейин официантлар қолдиқ ароқларни пластик идишларга қуйиб, «буортма-чи»ларга жўнатгани ва харидорларга сотгани ўз исботини топди.

Маълум бўлишича, ароқларнинг қалбаки акциз маркази рангли принтердан чиқарилган ва шишага ёпиштирилган. Энг арзон фирма дўконларида «Қаратау» маркази 0,5

литр шиша идишдаги ароқ 20 минг пайтида, фуқаро А.П. ҳар бир донасини 15 минг сўмдан, 60 шиша ароқни жами 930 минг сўмга сотган. Фуқаро Ж.Ж. эса бошқа фуқароларга ўз «маҳсулотларини» 540 минг сўмга пуллаётган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга тушган.

Уддабурон «тадбиркор»лар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 176-моддаси 1-бўлими билан айбдор деб топилди, уларга нисбатан 2 йил мuddатга ооздлиқни чеклаш жазоси тайинланди.

**Шарофат ШАМАМБЕТОВ,** Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳри суди раиси

**Эълонлар**

Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 7-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1995 йилда Абдурахманов Абдуваҳоб Абдумаликович номига берилган № 030999 рақамли шаҳадатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 34-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда Абдумуродов Шароф Диллод ўғли номига берилган UM № 1162208 рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

2009 йил 7 январда Журев Улўбек Абжалилович номига берилган 13-05/1439 рақамли уй-жойга берилган давлат дололатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

# Лайлак ёзда келадими?..


Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ҳикматли сўзлар, мақол-маталлар орасида йил фасллари ва ойлари бағишланганлари ҳам талайгина. Уларда бирон-бир фасл ёки ойнинг чинакамига қачон бошланиши ёки қандай келиши башорат қилиниб, ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Масалан, «Лайлак келмай, ёз бўлмас», «Ёз келгани лайлак билар, қиш келганини — ола қарға», «Ғоз келгани — ёз келгани», «Ғоз келса, ёз келар, қарға қағилласа, қиш», «Савр кирмай, ёз бўлмас» каби нақлларни эсланг.

Табиий, шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: лайлак ва ғоз диёримизда ёзда пайдо бўладими? Аслида улар кўплаб қушлар сингари бу фасл бошланмасидан ўн-ўн икки ҳафта бурун, аниқроғи, авжи баҳорда учиб келишади-ку! Ёки айтайлик, Савр қуёш йили ҳисобидеги иккинчи ойнинг арабча номи бўлиб, биз амал қиладиган тақвим бўйича 22

апрелдан 21 майгача бўлган муддатни қамраб олади. Бас, шундай экан, бу даврни ёзга йўйиш ўринлимикин? Гап шундаки, юқорида келтирилган мақолларда «ёз» дейилганда, ҳозирги тушунчамиздаги тўкин-сочинлик даври эмас, балки эрта кўклам назарда тутилган. Сабаби, қадимги аждодларимиз йилни ёз ва қишни қамраб олувчи икки фаслга бўлишган. Шунданми, эски туркий тилларда ҳам «ёз» сўзи «баҳор» маъносини аниқлаган. Бу ҳулоса, ўз навбатида, фаслларга оид мақолларимиз ўта қадимийлигидан далolat беради.



Ажабо!



Ҳажвия

## «ФЕЛЬЕТОНЧИ»

— Келинг, ҳўш, хизмат? — Директор хонасига кирган ёш ходимга салобат билан тикилди.

— Манавини бир ўқиб чиқсангиз, — ходим кўлидаги қоғозларни унга узатди.

Директор ўқишга киришди. Бу унинг ўзи ҳақида ва айблари аниқ-тиниқ ёзилган фельетон эди. Шу боис аввалига ранги ўзгарди, кейин тишини тишига босиб, мулойим оҳангда сўради:

— Буни ўзингиз ёздингизми?

— Ҳа!.. Газетага бермоқчиман.

— Ишхонадаги майда-чуйда гапларни матбуотга олиб чиқиш яхши эмас...

— Агар менинг шартимга кўнсангиз, юбормаслигим ҳам мумкин.

— Ҳўш-ҳўш, қандай шарт экан?

— Бор-йўғи битта: каминанага оталарча ғамхўрлик кўрсатиб, дўстона муносабатда бўласиз.

— Шу ҳолосми?.. Унда, бўпти, шартингизга розиман...

Орадан бир ҳафта ўтгач, ходим яна директорнинг хонасига кириб келди:

— Кватирта тақсими бўлаётган экан, шундан уч хоналигини...

Бошлиқ оложи йўқлигини айтди, бўлмади. Ходим фельетонни эслатди.

У икки ойдан сўнг яна пайдо бўлди. Бу сафар курортга йўлланма сўради.

Чорасиз қолган директор ўзига ажратилган йўлланмани унга бериб юборди. Кейинчалик ёш ходимнинг ўзини катта муҳандисликка ўтказиб, маошини ошириш ҳақидаги талабини ҳам адо этишга мажбур бўлди.

Охири директорнинг фельетондаги камчиликларини тузатишдан ўзга чораси қолмади. Ҳаммасини тўғрилаб, ходимни чақирди.

— Энди фельетонни чиқаришингиздан ҳеч қандай наф йўқ. Сиз билан бирга ишлай олмайдиганга ўқшаимиз. Яхшиси, ўз ихтиёрингиз билан ишдан бўшагингиз маъқул.

— Ҳа, гапингизда жон борга ўқшади. — Ёш ходим шундай дея, янги фельетонини узатди. У директорнинг айрим ходимларга навбатсиз уй ва курортга йўлланма бергани, танишлари маошини оширгани, муккофот пулларини нотўғри тақсимлагани ва бошқа камчиликлари ҳақида эди.

— Ахир, буларнинг ҳаммаси ўзингиз учун қилинган-ку! — деди бошлиқ жиғибийрон бўлиб.

— Ким учун бўлганидан қатъи назар, ноҳақлик қилинган-да!

— Ҳўш, яна нималарни исхотасиз? Мақсадингиз нима ўзи?

— Ўзингиз айтдингиз-ку, иккаламиз бирга ишлай олмаганмиз, деб...

Эртаси куни директор ишга келмади. Миш-мишларга қараганда, у ўз аризасига биноан ишдан бўшаб кетганмиш...

Абдуғани АБДУЛЛАЕВ



ISSN 2010-5009  
2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
116-рақам билан  
рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхрир хайъати:

- Кудратилла РАФИҚОВ (тахрир хайъати раиси),
- Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
- Анвар АБДУМУХТОРОВ,
- Сайфулло АҲМЕДОВ,
- Акмал САИДОВ,
- Равшан БЕДИЛОВ,
- Қутлимурот СОБИРОВ,
- Сухроб РАФИҚОВ,
- Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
- Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
- Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
- Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
- Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб — «Ishonch»),
- Валентина МАРҶЕНЯК (Масъул котиб — «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:  
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, тақдирли, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишиши мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

- Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
- Андижон вилояти — (+998-99) 889-90-23
- Бухоро вилояти — (+998-91) 406-43-24
- Жиззах вилояти — (+998-99) 889-90-34
- Наманган вилояти — (+998-99) 889-98-02
- Навоий вилояти — (+998-99) 889-90-28
- Самарқанд вилояти — (+998-99) 889-90-26
- Сирдарё вилояти — (+998-99) 889-98-55
- Сурхондарё вилояти — (+998-99) 889-90-32
- Фарғона вилояти — (+998-99) 889-90-24
- Хоразм вилояти — (+998-99) 889-98-01
- Қашқадарё вилояти — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

А. Ҳайдаров

Мусаҳиҳ:

У. Худойберганова

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти — 00:40

Топширилди — 00:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буюртма Г-606

34245 нусхада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобчасами:

2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank»

Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Коса тагида нимкоса

«РАҲМАТ»ни ким қандай қабул қилади?

Руслар: — «Раҳмат» билан чўнтак қаппаймайди.

Инглизлар: — «Раҳмат»ни касса қабул қилмайди.

Хитойлар: — «Раҳмат»ни таёқчага илиб, еб бўлмайди.

Ўзбеклар: — «Раҳмат»га уй қуриб, тўй қилиб бўлмайди.

Ҳангома

«Олув билан бўлувни билсанг бўлди...»

Бу воқеа ўттиз йилча бурун рўй берган. Анвар дўстимизнинг йўлини Карим исмли ДАН ходими тўсиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўймоқчи бўлибди. Иккинчи роса тортишибди. Охири Анвар «Бир топишмоқ айтман, жавобини топсанг, правамни оласан», дебди. Карим рози бўлгач, ундан сўради: «Иккинчи иккига қўшсам, кўпайтирсаям тўрт бўлади. Ҳўш, нима учун учни учга қўшса, олти бўлади-ю, кўпайтирса, тўққиз бўлади?»

Нозир боши қотиб, ўйланиб турганида сал наридаги бошлиғи унинг олдига келиб, нима гаплигини сўради. Карим Анварнинг топишмоғини айтган экан, у ҳам ўйга толиб қолибди. Кейин Каримга юзланиб, удағайлабди:

— Кўпайтирув ва қўшув билан ишинг бўлмасин. Сен олув билан бўлувни билсанг бўлди, биз учун шуниси муҳим!

Мансурхўжа ХўЖАЕВ

Дурдона фикрлар

ЭНГ АҚЛЛИ ВА ЭНГ СОДИҚ ДЎСТ

- Яхши китоб — кўнгил ва руҳият табиби.
- Китобсиз уй қалбсиз танана, китобсиз дунё ҳидсиз гулга ўқшади.
- Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда.
- Китоб — ақл қалъаси, ҳаёт шамчироғидир.
- Китоб — одоб-ахлоқнинг кони, билимнинг булоғидир.
- Китоб — қалб гавҳари, кўнгил офтоби.
- Китоб ёлғизликдаги энг мунис ҳамдамдир.
- Китобнинг бизга ўргатадиган энг улкан сабоғи — тўғрисиўзлик.
- Китобни қадрламоқ, бу тафаккур қасрига иззат-эҳтиром ила қаддам қўймоқ лозим.
- Яхши китобларни ўқиш дондор билан суҳбатдош бўлиш демакдир.
- Саводли бўла туриб китоб ўқимаган кишининг саводсиздан фарқи йўқ.

Ривоят

КИМ КУЧЛИ?

Бир ота ўғлидан «Ким кучли — сенми ёки мен?» деб сўрабди. «Мен кучлиман, чунки сиз кексасиз, мен ёшман», дебди ўғил. Кўпол жавобдан қониқмаган ота «Қанақасига кучлисан?» дея ажабланибди. Ўғил «Мен ўқиганман, ҳозир ишляяпман. Ўзим истаган юмушни бажаришга имконим бор, куч-қувватим ҳам етарли», дея жавоб қайтарибди. Бу сўзлардан ранжиган ота фарзанди ёнидан узоқлаша бошлабди. Бўсагага етганида тағин тилга кирибди: «Ўғлим, охири марта сўрайман, ростини айт: ким кучли — сенми ёки мен?»

Бу сафар йўлдан «Энди мен эмас, сиз кучлисиз!» дебди. Ота ажабланиб, ўғли нега бундай дейётгани сабабига қизиқибди: «Икки марта ўзингни кучли ҳисобладинг, учинчисидан нега тескари гап айтдинг, болам?»

Йўлнинг жавоби кўйидагича бўлибди: «Икки бор сўраганингизда, ёнимда эдингиз. Энди эса узоқроқдасиз, шунинг учун ҳам мен ожизман...»

Масал

Ибратли ҳикоялар

ЗАВЖАЛАРИ АЙБИНИ ЯШИРГАН ЭРКАКЛАР

Солиқ бир киши аёли билан ажрашадиган бўлибди. «Ёстиқдошининг не гуноҳи бор?» деб сўрашибди одамлар. У «Ақлли киши ўз рафиқаси айбини фош қилмайди!» дебди. Хотинини талоқ қўйгач, ундан яна сўрабдилар: «Завжанда қандай хато-камчилик бор эди?» У бу сафар ҳам бўш келмай, «Энди у менга беғона, сўққабош аёлни ёмонлаш эса яхши эмас», дебди.

\*\*\*

Бир аёл эрига кўп азият берар, турмуш ўртоғи ҳаммасига чидар, ҳидоят сўраб дуо қиларкан. Шунданми, кечалари уйдан ажиб бир нур тараларкан. Аммо аёли вафот этгач, ўша нур ҳам йўқолиб қолибди. Қўшнилари бунинг сабабини сўрашган экан, у «Нур аёлимнинг яхшилиги шарофатидан эди», дея хотинининг айбларини беркитибди. Қўшнилари эса бу уйга аёлнинг каромати туфайли нур ёғилар экан-да, деган ҳулосага келишибди.

Масал

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Институтни битирган Кўз ишга жойлашиш илҳамиди Бош мия ҳузурига келибди.

— Бизда Кўзлар етарли, — дебди Бош мия. — Аммо Қулоқнинг ўрни бўш, ҳозирча ўша ерда ишлашиш мумкин.

— Ахир, мен эшитиш эмас, кўриш бўйича мутахассисман. Бўлмайди.

— Бўлаверди. Мана, мени олайлик, аслида Орқа мия бўлсам ҳам, ўн йилдан бери Бош мия вазифасини бажариб келаяпман.

Ҳабиб СИДДИҚ

Кунлардан бир кун...

«Муҳрини лунжимга боса қолсин...»

Устоз Абдулла Қаҳҳорни бир кун телекўрсатувга таклиф қилишибди. Уни кутиб олган ёшгина муҳаррир ийманибгина сўрабди:

— Домла, фикрларингизни қоғозга тушириб келдингизми?

— Йўқ, шундай гапирвераман.

— Домла, биласиз-ку, гапингиз матнни тасдиқлаб олишимиз керак...

— Чақиринг ўша цензорни, муҳрини лунжимга боса қолсин, — дебди адиб жиддийлик билан.

Отдек соғлом ижодкор

Нўноқ ёш шоирлардан бири Мақсуд Шайхзодадан сўрабди:

— Домла, одатда шоирлар нимжон, касалланд бўлади, дейишади, шу гап ростми?

— Ҳа, шунақа! Лекин сиз хавотирланмасангиз ҳам бўлади. Чунки отдек соппа-соғсиз, — дебди Шайхзода домла табассум билан.

Носир МУҲАММАД

Хандалар

Итни ҳақоратлаган почтачи

— Алло! Бу жониворларни ҳимоя қилиш жамиятими?.. Унда дарҳол вакилингизни бизникига жўнатинг! «Нега?» дейсизми, почтачи дархотга чиқиб олиб, итими ҳақоратлапти.

\*\*\*

— Хасталиклар урчишига учдан бир ҳолатда ношуд пазандалар сабабчи бўлишади, — деди бир шифокор қатъий ишонч билан.

— Фикрингизга қўшилиман, — дея уни маъқулади ҳамкасби. — Аммо учдан икки ҳолатда яхши пазандалар туфайли беморлар кўпаяди.

\*\*\*

— Устоз, дафтаримга нима ёзганингизни ўқий олмаяпман, — деди ўқувчи.

— «Тушунарли қилиб ёзишни ўрган!» деб ёзганман, галварс! — жавоб берди муаллим.

\*\*\*

— Амаки, уялмайсизми ёш боланинг олдида сўкинишга?

— Мен сўкинмаяпман, синглим, ўғилчангиз машинага чиқган сўзларни ўқияпман, холос.

Саҳифани Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.